



«ТАСДИКЛАНДИ»  
Буюртмачи номи:  
Бухоро давлат университети ректори  
**Хамидов О.Х**  
2022 йил

**Бухоро давлат университетининг Бухоро тумани Работиқалмок  
МФЙда жойлашган Агрономия ва биотехнология факультети  
ҳудудида 400 ўринли ТТЖ биносини куриш бўйича лойиха-смета  
хужжатларини тайёрлаш**

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ**

## **МУНДАРИЖА**

### **НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ**

*(Танлаш иштирокчиларига тақдим этилмайди)*

### **ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

#### **УМУМИЙ ҚИСМ**

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

СОТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ АНИҚЛАШ  
СХЕМАСИ

#### **ТЕХНИК ҚИСМ**

БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

#### **ТИЖОРАТ ҚИСМ**

БҮЮРТМАЧИННИГ БОШЛАНГИЧ НАРХИ

ХИЗМАТ КУРСАТИШНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

## БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА !!!

**Бухоро давлат университети  
(Буортмачи ташкилот номи)**

### **Энг яхши тақлиф ШАЙЛАНУ учун эълон қўлади**

**Хизмат номи: Бухоро давлат университетининг Бухоро тумани Работикалмоқ МФЙда жойлашган Агрономия ва биотехнология факультети худудида 400 ўринли ТТЖ биносини куриш учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш**  
**700 000 000 сўм. (КҚС билан)**

Ишларни тугаллаш мuddати – 20 календарь кун.

Буортмачи: Бухоро давлат университети,  
 Тел: (65) 221-25-50

**Молиялаштириш манбаси: Нобюджет маблағлари хисобидан.**

- ◆ Танлов иштирокчилари куйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш учун қўйиладиган талаблар:
  - Бухоро вилояти худуди ва табиатига мос келадиган замонавий архитектура ва дизайнерлик ечимларини қўллаш;
  - Фуқаро муҳофазаси, ёнгин хавсизлиги ҳамда қўриқлаш воситалари (видео кузатув мосламалари)ни Шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ жорий этилганлиги;
  - Коммуникация (электр, табиий газ, ичимлик суви, оқава тизими ҳамда телефон-алоқа, интернет) тармоғининг инобатга олинганлиги;
  - Қайта тикланувчи энергия манбааларини жорий этиш;
  - Ички ва ташқи ҳудудни ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш ишларини инобатга олиниши лозим.
- ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари қонун хужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда хисобга олинади.
- ◆ Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш хужжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайтидан олишлари мумкин
  - ◆ Тасдиқланган танлаш хужжатлари буортмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) маҳсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
  - ◆ Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

## ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

**Бухоро давлат университетининг Бухоро тумани Работиқалмоқ МФЙда жойлашган  
Агрономия ва биотехнология факультети ҳудудида 400 ўринли ТТЖ биносини куриш учун  
лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш**

(буюртмачи номи ва объект номи)

танловида иштирок этиш учун иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуидаги хизмат бўйича таклифларни тақдим этилишини сўраймиз.

**Хизмат номи: Бухоро давлат университетининг Бухоро тумани Работиқалмоқ МФЙда  
жойлашган Агрономия ва биотехнология факультети ҳудудида 400 ўринли ТТЖ биносини  
куриш учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш**

Дастурий таъминотни бошлангич нархи – 700 000 000 сўм. (КҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати – 20 календарь кун

Буюртмачи: Бухоро давлат университети

Тел: (65) 221-25-50

Таклиф этилган шартлар бўйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

**Энг яхши таклифни Танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуидаги талаблар  
кўйилади:**

фуқаролик-муомала лаёкати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан, соҳада камида 5 йил тажрибага эга бўлган олий маълумотли ходимларига эга бўлиши;

охирги уч йилда Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўхшаш обьектларнинг лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш бўйича иш бажарганлиги;

ўз айланма маблаглари билан таъминланганлиги (0,2 коэффициент);

тўловга кодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

архитектура-шахарсозлик хужжатларини тайёрлаш бўйича лицензия;

менжмент ва сифат бўйича халқаро сертификатга ISO 9001 эга бўлган;

буғунги кунга кадар ОТМ (олий таълим муассасаси) фаолият соҳаларида лойиха-смета хужжатларини тайёрлаганлиги тўғрисида ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши;

устав фонди микдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун хужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга руҳсат этилади.

Куидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (бўлиниш, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олингандар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Хизмат бўйича танловга эълон берган вақтида ишчилар сони ва техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Мехнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳолангандага нотўғри маълумот берилса тендер хужжатлари кўрилмасдан қайтириб берилади ва чиқариб юборилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча хужжатлар танлаш иштирокчилари учун йўрикномада акс эттирилган.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш хужжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайдидан олишлари мумкин

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг танлаш хужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш.

Таклифларни кўриб чиқиши эълон муддати тутаган санадан бошлаб 10 (үн) кундан ошмаган муддат ичida комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

### 1. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - танлаш ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган хизмат бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, танлаш ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган хизмат бўйича танлов эълон қиласи.

1.2. Танловнинг тури – очиқ танлов, агар ТАЖда бошқача айттилмаган бўлса.

1.3. Ишлар танлаш ҳужжатларининг иловада кўрсатилган намунаий шартномаси талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари, Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилувчи шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари, жиҳозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, танлов иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутади.

### 2. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги №ЎРҚ 684-сонли қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидагиги ПҚ-3953-сонли карорининг талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм танлов иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўриқномани, шакл ва иловалар кўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

#### 2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати.

2-шакл. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлаш бўйича лицензия;

3-шакл. Танлов иштирокчisinинг молиявий кўрсаткичлари.

4-шакл. Танлов иштирокчisinинг иш ҳаки жамғармаси ва ҳодимлар ўртacha сони бўйича кўрсаткичлари.

5-шакл. Банк кафиллиги.

6-шакл. Танлов иштирокчиси доимий ҳодимлари, жумладан, мазкур соҳада камида 5 йил тажрибага эга бўлган олий маълумотли ҳодимларига эга бўлиши;

7-шакл. Охири уч йилда Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўхшаш обьектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича иш бажарганлиги;

8-шакл. Менжмент ва сифат бўйича халқаро сертификатга ISO 9001 эга бўлганлиги;

### 3. ТАНЛОВ ТАКЛИФИННИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

3.1. Танлов таклифининг амал қилиш даври 30 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

3.2. Алоҳида ҳолларда таклифнинг бирламчи амал қилиш даври тугаш вақтигача танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчилари билан таклифнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида келишиши мумкин, келишув ёзма шаклда расмийлаштирилган ҳолда.

### 4. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

4.1. Танлов иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг электрон шаклда тизим орқали тақдим этиши керак.

Танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлов иштирокчиси факат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлов учун таклифларни қабул қилиш маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тутатилади.

### 5. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

5.1. Таклиф берилганидан кейин танлов иштирокчиси танлаш таклифига ўзгартришлар киритиши ёки уни ҳисобдан чиқариши мумкин.

5.2. Таклифлар бериш муддати тугагандан кейин таклифларга ўзгартришлар киритишга йўл қўйилмайди.

## 6. ТАКЛИФЛАРНИ ТУШУНТИРИШ

6.1. Танлов комиссияси таклифларни баҳолаш ва таққослаш учун таклифни танлаш комиссияси күриб чиқиши вактида танлов иштирокчиларидан таклифлар мазмунига тушунчалар беришни сұраши мумкин. Барча савол ва жавоблар электрон тизимда яратылған чат орқали олиб борилади. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл кўйилмайди.

### **7. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)**

16.1. Танлов иштирокчисини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг таклифида тақдим этилган тасдиқловчи хужжатлар ўрганилади.

16.2. Танлов иштирокчилари таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган танлаш таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади.

### **8. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТАНЛАШ ФОЛИБИНИ АНИҚЛАШ**

8.1. Молиявий таклифларни баҳолашда электрон тизим томонидан танлаш таклифларининг биринчи техник қисмидан муваффакиятли ўтган иштирокчиларининг таклифларини автоматик баҳолайди.

8.2. Харид комиссиясининг қарори билан танлов бўйича харид қилиш хужжатларида ва тақлифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибининг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланади.

### **9. ТАНЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМӢЙЛАШТИРИШ**

9.1. Танлов натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган тақлифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

9.2. Давлат буюртмачиси томонидан танлов бўйича харид қилиш хужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт кўйилиши мумкин.

9.3. Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш хукуки захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан тақлиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб тақлиф этган нарх ғолиб томонидан тақлиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

### **10. ТАНЛОВ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ**

Ушбу бўлим танлов предмети бўйича ва танлов хужжатларининг кўшимча маълумот ва талаблари маҳсус қоидаларини ўз ичига олади.

T/p	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	Бухоро давлат университети
2.	Хизмат номи:	Бухоро давлат университетининг Бухоро тумани Работиқалмоқ МФЙда жойлашган Агрономия ва биотехнология факультети худудида 400 ўринли ТТЖ биносини курни учун лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш № 5
3.	Танлов тартиб рақами:	Очиқ танлов.
4.	Танлов тури:	<a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> маҳсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин,
5.	Танлов хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	Бухоро шаҳар Муҳаммад Иқбол кўчаси 11 уй
6.	Танловни ўтказиш манзили, жойи ва муддати:	<a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> маҳсус ахборот порталида эълон килинади.
7.	Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишига рухсат этилади:	Доимий ходимлари, жумладан, мазкур соҳада камида 5 йил тажрибага эга бўлган олий маълумотли мутахассисларга эга бўлиши;
8.	Танловда иштирок этишга қўйидаги танлаш иштирокчиларига рухсат этилади:	Охирги уч йилда Олий ва ўрга маҳсус таълим тизимида ўхшаш объектларнинг лойиҳа-смета

		хужжатларини тайёрлаш бўйича иш бажарган; Менжмент ва сифат бўйича халқаро сертификатга ISO 9001 эга бўлган;
9.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	Талаб этилади
10.	Танлов иштирокчиларининг танлаш хужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати:	Эълон муддати тугасига 2 кун колгунга қадар.
11.	Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	Офёрталарни тақдим этишининг охири муддати порталда белгилangan танлашнинг якуний муддатига қадар.
12.	Танлов хужжатининг тили:	Ўзбек/рус тиллари
13.	Танлов таклифининг амал қилиш муддати:	Танлаш таклифлари баҳолангандан кейин 20 кундан кам бўлмаган муддат.
14.	Танловда иштирок этиш учун талаб қилинадиган айланма маблағлари миқдори:	Талаб қилинадиган айланма маблағлари миқдори 20 фоиз миқдорида.
15.	Кўшимча хужжатлар рўйхати:	Танланган ташкилотчининг устави таъсисчиси, давлат рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома, банқдан маълумотнома картотека, кредит буйича ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси. Мехнат дафтарчалари ва буйруқ хар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси булиши керак. Агарда иштирокчи томонидан иштаганинг маълумот берилса танлов таклифини баҳолашда тегишли балл олишига ёки четплатилишига сабаб бўлади.
16.	Танлов таклифларини бериш:	<a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> маҳсус ахборот порталида эълон муддати давомида
17.	Танлов таклифларини кўриб чиқиш:	<a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> маҳсус ахборот портали орқали
18.	Танлов таклифларини баҳолаш муддати:	Таклифлар бериш тугаганидан кейин 10 кун ичида
19.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	ККС билан 700 000 000 сўм.
20.	Буюртмачи томонидан белгилangan хизмат муддати	20 календарь кун.
21.	Молиялаштириш манбаси:	Нобюджет маблағлари
22.	Молиялаштириш тартиби:	Иш хизматларнинг жорий йилдаги қийматининг 30 % аванс (бўнак) Охиригина тўлов - 70% шартномада кўрсатилган ишлар тутатилганидан сўнг.
23.	Шартнома тили:	Ўзбек тили
24.	Шартнома валютаси:	Ўзбек сўмда